



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2017 йил 20 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 84 (13.417)

Баҳоси эркин нарҳда

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 19 апрель куни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш, шунингдек, экспорт прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилиши ва экспорт ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тайёр маҳсулотлар турлари, бутловчи бўюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш доирасида қиймати 5,5 миллиард доллардан ортиқ 2,8 мингдан кўпроқ маҳаллийлаштириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилгани, илгари хориждан олиб келинган 4,8 мингдан зиёд янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани таъкидланди. Натижада кейинги беш йилда импорт ҳажми 752 миллион долларга, жумладан, 2016 йилда 286 миллион долларга камайди.

Бироқ импорт ўрнини босадиган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилаётганига қарамайдан, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари импорт ҳажмининг асосий сиб кетишига йўл қўймоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти учун ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин бўлган валюта маблағларидан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда.

“Ўзбекэнерго”, “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамиятлари, “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси, “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси, “Ўздон-маҳсулот” акциядорлик компанияси, “Ўзбекчармпоибазали” уюшмаси, “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни корхоналарида 2016 йилда импорт ҳажми сезиларли равишда ошган. Қатор компаниялар ва ҳўжалик бирлашмалари, жумладан, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекэнерго”, “Ўзқурилишматериаллари” ва “Ўзкимсанот” акциядорлик жамиятлари, “Ўзэлтехсанот” акциядорлик компанияси, “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни, “Ўзбекозиковкатхолдинг” холдинг компанияси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган маҳсулотларнинг хориждан олиб келинишига йўл қўйган. Шу билан бирга, айрим корхоналар томонидан хориждан уларнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган маҳсулотлар ҳам сотиб олинган.

Қайд этилган компаниялар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари импорт ҳажми, айниқса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хомашё ва материалларни хориждан олиб келиш ҳажмининг ўсиши, шунингдек, асосий импорт учун валюта ресурсларини жалб қилгани учун уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари қўлланилиши, ҳатто, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисидаги масала қўриб чиқиши ҳақида оғохлантирилди. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига импортни мақбуллаштириш ва қисқартириш, шунингдек, улар назорат қиладиган ташкилот ҳамда корхоналарнинг валюта маблағларидан самарали фойдаланиши бўйича шахсан жавоб бериши тўғрисидаги масала юқланди.

Йиғилиш давомида Давлат божхона қўмитасига импорт қилувчи корхоналар фаолиятининг импорт тури ва номенклатурасига мувофиқлиги устидан доимий қатъий назорат ўрнатиш ва фаолиятига хос бўлмаган товарлар олиб кирилишига йўл қўймаслик бўйича тегишли тезкор чоралар қўриш учун Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларига ҳар ой ҳисобот бериши топширилди. Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ускуна ва техникалар учун импорт шартномаларининг нархлари, тендер ҳужжатлари, шунингдек, “фойдаланишга тайёр” шартлари асосида тузиладиган инвестиция лойиҳаларининг асослигини танқидий таҳлил қилиш топширилди.

“Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарлари А.Султонов ва А.Шукуровга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кераксиз бўлган товарлар божхона оморларида узок муддат сақланаётгани кўрсатиб ўтилди. Давлат божхона қўмитасига Хисоб палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда божхона оморларида узок вақтдан бўён сақланаётган маҳсулотларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва улардан кейинчалик фойдаланиш, шунингдек, божхона оморлари тизимини мақбуллаштириш ва тартибга солиш, улар учун халқаро стандартлар даражасида ягона техник талаблар белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақлифлар киритиш топширилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан камраб олинишини тубдан яхшилаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги уйғунлашган технологик заңжирини шакллантириш асосида уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, кўп хонадонли уйларнинг сақлаши талабларига риоя этилиши устидан техник назоратнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда – “Уйжойкомхизмат” вазирлиги) ташкил қилинсин ва унинг таркибига:

Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳамда уларнинг туманлар (шаҳарлар)даги бўлимлари; Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишнинг назорат қилиш инспекцияси (“Уйжойфондинспекцияси”) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий инспекциялари;

“Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича

инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси (ДУК) ва унинг ҳудудий филиаллари ташкил қилинсин.

2. Қуйдагилар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

кўп хонадонли арзон уйлар қурилиши бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини таъминлаш, кўп хонадонли арзон уйлар, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича буюртмачи функцияларини амалга ошириш, эски ва авария ҳолатидаги уй-жойлар бузилишини ташкиллаштириш;

кўп хонадонли уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш, шу жумладан, кўп хонадонли уй-жой фондидан мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондидан сақлаш, улардан фойдаланиш ва эксплуатация харажатларини аниқлаш бўйича талабларга, кўп хонадонли уйларнинг техник эксплуатация қилиш қоидалари ва нормаларига, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда сақланишига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

ҲАР БИР СЎЗИДА ШУКРОНАЛИК

Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ва “Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳам уруш қатнашчилари қўнглини олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар муҳасам.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Чилонзор туманидаги Октепа маҳалласида истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Борис Бадьяновнинг хонадонига бўлди.

Тўқсон беш ёшни қаршилаган Б.Бадьянов ун тўққиз ёшида урушга кетган. Урушдан қайтган, умрини ҳарбий хизматга бағишлаган. Фарзандларини камолга етказиб, уларни юртга қўйди.

Ҳар бир байрам ва сайилларда туман ҳокимлиги, маҳалла-дагилар отахонни йўлаб келади.

Мудофаа вазирлиги, давлат идоралари ва жамоатчилик вакиллари отахонни Президентимиз номидан байрам билан табриклаб, пул мукофоти ва совға-саломлар топширди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақс фахрийнинг қўнглини кўтарди.

– Турли миллат вакиллари ҳамжихатлида фаровон ҳаёт кечираётган Ватанда ҳар бир инсон қадри ва эъзозда, – дейди Б.Бадьянов. – Президентимиз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдоримиз. Меҳроқибатли халқимиз, қўнгли тоза қўни-қўшниларим бор экан ёлғизлик ҳам биллинмайди. Кексаларнинг ҳолдан хабар олиб, уларнинг қўлай шароитларда яшashi, саломатлигини муҳахсамашши учун барча шароит яратиб бераётган Президентимиз доимо омон бўлсин.

Анна Вохидова ҳам урушнинг аянчи воқеаларини ўз кўзи билан кўрган. У ҳам йигирма ёшида ҳарбий ҳамшира бўлиб урушга борди. Урушдан кейин ҳарбий тиббиёт соҳасида меҳнат қилди. Ўзи билан бирга ҳарбий соҳада фаолият юритган Сергей Ивановга турмушга чиқиб, бир қиз ва бир ўғилни камолга етказди. Уларни ўқитиб, олий маълумотли қилди.

Чилонзор туманидаги Богзор маҳалласида истикомат қиладиган А.Вохидова тўқсон тўрт ёшни қаршилади. Онахон Хотира ва қадрлаш кўни билан табриклаш учун уйига келган Ўзбекистон

Ғолиб бўлган 14 жамоанинг 112 иштирокчиси танишув, сахна кўриниши, савол-жавоб ва ижтимоий лойиҳа шартлари бўйича ўзаро баҳслашди.

• “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши аъзолари Сайхунбод туманида бир қатор маҳаллалар фуқаролари билан мулоқот ўтказди.

• Кўкон шаҳридаги “Индорама Кўкон текстиль” Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонасида тўртинчи босқич – умумий қиймати 51 миллион доллар миқдоридаги лойиҳа амалга оширилиб, янги йиғирув тармоғи иш бошлади. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имкониятини кенгайтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ИЧИМЛИК СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, сув таъминоти ва канализация тизими объектларини самарали эксплуатация қилиш, ичимлик суви ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ичимлик сувидан фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишнинг назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда “Давсувинспекция” деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ичимлик сувидан фойдаланишнинг назорат қилиш ҳудудий инспекциялари билан биргаликда ташкил этилсин.

2. Қуйдагилар Ичимлик сувидан фойдаланишнинг назорат қилиш давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, канализация ва оқова сувларини тозалаш хизматлари кўрсатиш соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши;

сув таъминоти ва канализация ташкилотлари томонидан технологик жараённи такомиллаштиришга ва энергияни тежашга йўналтирилган сув таъминоти ва

канализация тизими объектларининг техник аудитдан ўтказилиши;

сув таъминоти ва канализация тизимида улашнинг техник шартлари талабларига риоя этилиши, сув таъминоти ва канализация тизимидаги ўзбошимчилик билан улашиб олишга йўл қўймаслик;

сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг ҳолати ва уларни ишлатиш шарт-шароитлари, сув таъминоти ва канализация тизимидаги бузилишлар ва аварияларнинг профилактикаси ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши, ичимлик суви йўқотилишининг белгиланган нормаларига риоя этилиши;

мулкчилик шаклларида қатъи назар, ерости сувлари қудуқларининг ҳолати ва уларни ишлатиш шарт-шароитлари юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.

3. Белгилансинки: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ичимлик сувидан фойдаланишнинг назорат қилиш инспекциялари “Давсувинспекция”га бевосита ҳисобот берадилар;

“Давсувинспекция” ва унинг ичимлик сувидан фойдаланишнинг назорат қилиш ҳудудий инспекциялари Ўзбекистон Республикасининг сув таъминоти ва канализация соҳасидаги давлат назорати ягона тизимини ташкил этади;

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ
БИР
КУНИ



тон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари ва курсантларни кўриб жуда қувонди.

Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи Э.Ҳошимуродов онахонни Президентимиз номидан табриклаб, пул мукофоти ва совға-саломлар топширди. Хонадонда янграган қўй-қўшиқ ва рақс онахонга олам-олам қувонч бағишлади.

– Шу қўнларга етказганига шукр, – дейди ў.А. муҳбирига онахон. – Қаргга бормайлик, эъзозда, ҳурмат ва эътибордаимиз. Айниқса, байрам қўнлари уйимдан одам аримайди. Бундай эътибор ва меҳр биз, кексаларнинг умрини янада узайтириб, қўнглимизни тоғдек кўтармоқда.

– Туманимизда 58 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истикомат қиладиган, – дейди “Нуроний” жағғармаси Чилонзор тумани бўлими раиси О.Аҳмедов. – Байрам муносабати билан ҳар бир ёши улуг инсондан хабар олиб, уларга кириб чиқмоқдамиз. Кексаларимизнинг ҳар бир сўзидаги шукрона, сермалю маслаҳатлари ёшларимизга ибрат бўлиб, барчани бугунги тинч, фаровон қўнларнинг қадрига етишга ундайди.

Гўзал САТТОРОВА

ЖАҲОНИДА

• Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан Франциянинг Марсель шаҳрида Президент сайловлари арафасида янги террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Яъни, ушбу қабих жиноятни амалга оширишга тайёргарлик қилишда гуно билан икки киши қўлга олинди.

• Буюк Британия Бош вазири Тереза Мейнинг таъкидлашича, мамлакатда 8 июнда наватдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтади. Бунга сабаб Буюк Британия учун Европа Иттифоқи таркибидан чиқиш жараёни арафасида ҳар доимгидан кўра кўпроқ қучли ҳукумат ва миллатнинг яқдрилиги керак бўлади.

XXI аср
Барча маънолардан
олинган бўлиши
кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда “Камалак” билимдонлари” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. “Камалак” болалар ташкилоты фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий нуфузини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билимини бойитиш, истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган танловнинг вилоят босқичида Термиз шаҳри ва туманлар босқичида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

сув таъминоти ва канализация объектиларини, иссиқлик таъминоти тизимларини аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари ва бош режалари билан боғлаган ҳолда ривожлантириш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг сифатли бажарилишини ташкиллаштириш, маъмури соҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқарувини таъминлаш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига ресурс ва энергия тежайдиган технологиялар ҳамда ускуналарни татибиқ этиш, жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги объектиларини замонавий ҳисоблаш ўлчов асбоблари билан жиҳозлаш, қурилиш-монтаж ишлари таннарининг пайсийини таъминлайдиган маҳаллий замонавий ва сифатли қурилиш материаллари ҳамда буюмларини кенг қўллаш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг замонавий шакли ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатилган хизматларга тариф сийсатини шакллантириш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича тақлифлар киритиш, ўқув стажировкаларини чет элларда ўтказишни назарда тутган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий махсулотлар, идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси жорий этилишини назарда тутиш.

3. Белгилансик:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирлиқлар, идоралар, маҳаллий иқро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг бошқилари тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимомасига биноан Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буйруғи билан лавозимга тайинланганлар ва ундан озод қилинади;

вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳри уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг бошқилари тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимомасига биноан Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буйруғи билан лавозимга тайинланганлар ва ундан озод қилинади;

вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳри уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг бошқилари тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимомасига биноан Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буйруғи билан лавозимга тайинланганлар ва ундан озод қилинади;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Аҳолининг барча қатламлари турмуш даражаси ва жамиятимиздаги иқтисодий муҳит муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишлорлар амалга оширилди.

Яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ таркибий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мутлақо янги тизимини шакллантириш имконини берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият қилувчи 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатмоқда. Уй-жойларни, аввало, ипотека кредити асосида қуриш ва реконструкция қилиш қўлами кенгайибди. Бу ўтган давр мобайнида аҳоли нуфуси муттасил ўсиб боришига қарамайдан аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражасини киши бошига 1991 йилдаги 12,4 квадрат метр ўрнига ўртача 15,2 квадрат метрга етказиш имконини берди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш мақсадида марказлаштирилган давлат капитал қўйилмаларини йўналтириш ва халқаро молия ташкилотлари томонидан тақдим этилган хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, уй-жой коммунал соҳасининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш асосида эҳди билан ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жойлардаги иқро ҳокимияти органлари ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини етарлича мувофиқлаштирмайди. Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш борасида комплекс ёндашувнинг йўлғи аҳолига сифатли ва кафолатли коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга тўсиқ бўлмоқда ва уй-жой мулкдорларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Кўп хонадонли уй-жой фондини тегишли даражада сақлашни назорат қилиш ташкил этилмаган, кўп ҳолларда уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш ва унда аҳолининг ҳафсиз яшаш бўйича белгиланган талаблар бўзилишига йўл қўйилмоқда. Бино ва иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга оид қанда ҳамда муддатларга риоя этилмапти, эски уйларни бузиш бўйича ишлар олиб борилмапти, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларнинг ҳолати санитария нормалари, ҳондалари ва гигиена меъёриларига тўлиқ жавоб бермапти.

Аҳоли сифатли ичимлик суви ва марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан етарли даражада таъминланмапти.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик асосида кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомил-

лаштириш, кўп хонадонли уйларни сақлаш қондаларига риоя этилишини техник назорат қилиш бўйича самарали тизимни шакллантириш, аҳолига сифатли уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тўддан яхшилаш, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг барқарор фаолият қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқариш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Қўйилганлар давлат бошқарув органи сифатида маъмури вазирлиқнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сийсатни қилиш ва идоралар мувофиқлаштиришнинг амалга ошириш; кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш давлат дастурларининг ҳайъта таътиб этилишини таъминлаш, бундай уй-жойларни, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти объектиларини барпо этиш бўйича буюртмачи вазифасини бажариш, эски ва авария ҳолатидаги уйларни бузишни ташкил этиш;

уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва эксплуатация харажатларини белгиллаш талабларига, кўп хонадонли уйлардан техник риоя этилишини назорат қилиш, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолатда сақлаш;

аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳолда, сув таъминоти ҳамда канализация объектиларини ривожлантириш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг сифатли амалга оширилишини ташкил этиш, соҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни таъминлаш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига ресурс ва энергия тежайдиган технология ҳамда ускуналарни жорий этиш, жумладан, уй-жой коммунал хўжалик объектиларини замонавий ҳисоблаш олиш-ўлчаш приборлари билан таъминлаш, қурилиш-монтаж ишлари таннарини қамайтириш имконини берадиган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий, сифатли қурилиш материаллари ва буюмларини кенг фойдаланиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг замонавий

лаштириш, кўп хонадонли уйларни сақлаш қондаларига риоя этилишини техник назорат қилиш бўйича самарали тизимни шакллантириш, аҳолига сифатли уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тўддан яхшилаш, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг барқарор фаолият қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқариш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Қўйилганлар давлат бошқарув органи сифатида маъмури вазирлиқнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сийсатни қилиш ва идоралар мувофиқлаштиришнинг амалга ошириш; кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш давлат дастурларининг ҳайъта таътиб этилишини таъминлаш, бундай уй-жойларни, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти объектиларини барпо этиш бўйича буюртмачи вазифасини бажариш, эски ва авария ҳолатидаги уйларни бузишни ташкил этиш;

уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва эксплуатация харажатларини белгиллаш талабларига, кўп хонадонли уйлардан техник риоя этилишини назорат қилиш, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолатда сақлаш;

аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳолда, сув таъминоти ҳамда канализация объектиларини ривожлантириш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг сифатли амалга оширилишини ташкил этиш, соҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни таъминлаш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига ресурс ва энергия тежайдиган технология ҳамда ускуналарни жорий этиш, жумладан, уй-жой коммунал хўжалик объектиларини замонавий ҳисоблаш олиш-ўлчаш приборлари билан таъминлаш, қурилиш-монтаж ишлари таннарини қамайтириш имконини берадиган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий, сифатли қурилиш материаллари ва буюмларини кенг фойдаланиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг замонавий

лаштириш, кўп хонадонли уйларни сақлаш қондаларига риоя этилишини техник назорат қилиш бўйича самарали тизимни шакллантириш, аҳолига сифатли уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тўддан яхшилаш, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг барқарор фаолият қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқариш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рақобатдош ва импорт ўрнини босадиган сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалалари йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни раҳбари М.Дўстмуродов, “Ўзэлтехсанот” акциядорлик компанияси раҳбари Ф.Боқиев, “Ўзгиротехсанотхолдинг” холдинг компанияси раиси Н.Отажонов, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси раиси О.Рустамов ва “Ўзмонтажмахсусқурилиш” акциядорлик компанияси раҳбари А.Шодиев маҳаллийлаштириш ва маҳаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишни таъминламаётгани учун қаттиқ танқид қилинди.

Иқтисодиёт вазирлигига маҳаллийлаштирилган махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни янада рағбатлантириш мақсадида Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиришда ёндашувларни танқидий қайта қўриб чиқиш ва 2018 йилдан Дастурга мамлакатимиз қорхоналарида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тақлиф этилаётган импорт ўрнини босувчи махсулотлар рўйхати асосида янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини киритиш ҳақида оғохлантирувчи механизмни жорий этиш топирилди.

Йиғилиш иштирокчилари эътибори аксарият қорхоналар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада шартномаларни номигагина тузаётганига қаратилди. Жумладан, “Ўзавтосаноат”, “Ўзмонтажмахсусқурилиш”, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик компаниялари, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзгиротехсанотхолдинг” холдинг компанияси қорхоналари 2016 йилда тузилган шартномалар бўйича махсулотларни тўлиқ ҳарид қилмаган. Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, ахборот-таҳлил департаментлари мудири, вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялар, уюшмалар, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик қорхоналар раҳбарлари Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада 2017 йил учун тузилган шартномалар ўз вақтида, тўлиқ амалга оширилиши учун шахсан жавоб бериши ҳақида қатъий оғохлантирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги 4891-фармойиши билан ташкил этилган Импорт бўйича келтирилмаган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган махсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чоралари бўйича қўйилган импорти қамайтириш ва импорт ўрнини босадиган махсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аниқланган камчиликларни барқарор этиш ҳамда барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлик қоралари бўйича қарорлари лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар ойда киритиш топирилди.

Шу билан бирга, Комиссия зиммасига 2017 йил 1 июлга қадар божона тўловлари бўйича қонунчиликда қўзда тутилган имтиёزلарни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларни қисқартириш ҳамда мақбуллаштиришга доир тақлифлар киритиш вазифаси юклатилди. Вазирлар Маҳкамасига 2017 йилнинг 1 майдан божона тўловлари бўйича янги имтиёزلарни тақдим этиш бўйича тақлифларни фақат Комиссия билан келишган ҳолда қўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш топирилди.

Йиғилишда товарлар, ишлар ва хизматларнинг экспорт ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, ҳақон бозори қонъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қўшимча экспорт учун фойдаланилмаган захираларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

2017 йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажми 2016 йил-

нинг шу давридагига нисбатан 9,1 фоизга ошганига қарамайдан, турли тармоқлар ва ҳудудлардаги қатор қорхоналар экспорт бўйича прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажармагани таъкидланди. Хусусан, “Ўзгиротехмаш”, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамиятлари, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни қорхоналари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарў, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги ҳудудий қорхоналар томонидан прогноз кўрсаткичларини бажаришда оқсоқликка йўл қўйилган. Мева-сабзавот махсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қатор туманлар, жумладан, Олтинқўл (Қармоқ), Булоқбоши (Махсудов), Қўрғонтепа (Эргашев), Хўжаобод (Исмоилов), Бухоро (Эсонов), Вобекан (Жаводов), Бахмал (Сафаров), Саросиё (Жўраев), Сирдарё (Назаров) ва Кува (Рахмонов) туманларида мева-сабзавот махсулотларини экспорт қилиш прогнозлари бажарилмаган.

Экспорт прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашда йўл қўйган камчиликлар учун “Ўзгиротехсанотхолдинг” (Отажонов), “Ўзбекизоқовқатхолдинг” (Рустамов) компаниялари, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти (Зарипов), “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни (Дўстмуродов) раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари фаолияти танқид қилинди.

2017 йилнинг биринчи чорагида мева-сабзавот махсулотларини белгиланган ҳажмида экспортга етказиб беришни таъминламаган туманлар ҳокимлари биринчи ярим йил якунлари бўйича прогноз кўрсаткичларини бажармаган тақдирда уларнинг эғаллаб турган лавозимига да қолиши ёки қолмаслиги тўғрисидаги масала қўриб чиқилиши ҳақида оғохлантирилди.

Экспорт прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминламаган тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларига ўн кун муддатда йўл қўйилган орда қилишнинг ўрнини тўлдириш ва жорий йил биринчи ярим ва, умуман, 2017 йил якунлари бўйича тақдирланган экспорт кўрсаткичларига чиқиш мақсадида ҳар бир қорхона кесимида мавжуд муаммолар масалаларни барқарор этишга доир аниқ чоралар ишлаб чиқиш ва тақдирлаш вазифаси топирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари “Ўзгиротехсанот” акциядорлик жамияти билан биргаликда мева-сабзавот махсулотларини, жумладан, ушбу махсулотларни етиштиришга ихтисослаштирилган 66 туманда экинларни ўз вақтида экиш, махсулотларни тайёрлаш, шартномалар тузиш ва жўнатиш орқали экспорт кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилиши бўйича зарур чоралар қўриш топирилди.

Йиғилишда жойларда янги иш ўрнилари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, олий ўқув юрлари ва касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларининг қасблар бўйича билим ва меҳнат қўникмаларини шакллантириш, бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб иш шариоти яратиш чора-тадбирлари қўриб чиқилди.

Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, маҳаллий давлат органлари янги иш ўрнилари ташкил этишга қўмақлаштириш бўйича янги тизим яратиш юзасидан топириқлар берилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари сўзга чиқди. Қўрилган масалалар муҳокама си якунлари бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чўқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турини мақбуллаштириш таъминлаш, шунингдек, товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти ҳажми ва турларини янада қўнайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДА ИЧИМЛИК СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Давсувинспекция” бошлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади;
“Давсувинспекция” бошлиги ўз мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш бўйича ҳудудий инспекциялар раҳбарлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига биноан “Давсувинспекция” бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади.

4. Белгиланган қўйилсинки, “Давсувинспекция” ўз фаолиятини:

ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш, канализация ва оқова сувларни тозалаш хизматлари кўрсатиш масалаларида –

Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Республика комиссияси билан;

сув таъминоти ва канализация соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, ичимлик суви ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига риоя қилиш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан;

ерошти сувлари қудуқларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, гидрогеологик ахборотларни таҳлил қилиш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан;

ичимлик сувида оқилона фойдаланиш, сув таъминоти ва канализация тизимига ўзбошим-

чалик билан улашиб олинишига йўл қўймаслик масалаларида – маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини бир ҳафта муддатда тақдим этсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрельЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ИЧИМЛИК СУВИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантиришга доир муҳим дастур ва лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилиши шаҳар ва туманлар, жумладан, қишлоқ жойларда марказлаштирилган сув таъминоти ҳолатини тубдан яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга, ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик суви сифатини назорат қилиш, фойдаланилган сувларни оқизиш (канализация) ҳамда оқова сувини тозалаш хизматларини ташкил этиш соҳасидаги қўнунчилик ва меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд.

Ушбу муҳим вазифаларни инобатга олган ҳолда, мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – “Давсувинспекция”) ташкил этилди. Инспекциянинг асосий вазифалари эди:

ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, канализация ҳамда оқова сувларни тозалаш хизматлари кўрсатишнинг техник тартибга солишга оид қўнунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

сув таъминоти ва канализация ташкилотлари томонидан сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик жараён энергия тежашни такомиллаштиришга қаратилган техник аудитдан ўтказиш;

сув таъминоти ва канализация тизимига улашиб бўйича техник шартлар талабига риоя этиш, сув таъминоти ва канализация тизимига ўзбошимчалик билан улашиб ҳолатларига йўл қўймаслик;

сув таъминоти ва канализация тизими объектларидан фойдаланиш ҳолати ва шароитлари, сув таъминоти ва канализация тизимига носозликлар ва авария ҳолатларининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, ичимлик суви исроф бўлишининг ўрнатилган меъёрлардан ошмаслиги;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ерошти сув қудуқларидан фойдаланиш ҳолати ва шароитлари устидан давлат назоратини таъминлаш белгиланди.

“Давсувинспекция” ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги сув таъминоти ва канализация объектлари, шунингдек, сув чиқариш қудуқларини ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ўрганиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг объектлари, шунингдек, турар жойларда сув таъминоти ва канализация тизимларига улашиб ҳама улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш;

бўйича белгиланган тартибда текширувлар ўтказиш;

сув таъминоти ва канализация соҳасидаги қўнунчилик талаблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизимларига улашиб ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жазима солиш ҳуқуқига эга.

Фармонга мувофиқ, “Давсувинспекция” ўз фаолиятини:

ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш, канализация ва оқова сувларни тозалаш хизмати кўрсатиш масалалари бўйича – Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Республика комиссияси билан;

сув таъминоти ва канализация соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, ичимлик суви ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига риоя қилиш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан;

ерошти сувлари қудуқларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, гидрогеологик ахборотларни таҳлил қилиш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан;

ичимлик сувида оқилона фойдаланиш, сув таъминоти ва канализация тизимига ўзбошимчалик билан улашиб ҳолатларига йўл қўймаслик масалаларида – маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

ция тизимига ўзбошимчалик билан улашиб ҳолатларига йўл қўймаслик масалалари бўйича – маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

“Давсувинспекция” ва унинг ҳудудий инспекциялари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига маблағлари ва қўнунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Мазкур Фармоннинг амалга оширилиши:

биринчидан – ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш соҳасидаги қўнунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш;

иккинчидан – ичимлик сувини етказиб бериш ва реализация қилиш, шунингдек, канализация ва оқова сувларни тозалаш хизматларини кўрсатиш устидан назорат ўрнатиш;

учинчидан – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг таққидий иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, нефть-газ, геология ва минерал ресурслар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлар ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улугбек Розуқов, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Азим Аҳмадхўжаев, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Сун Лицзе, “China National Cable Engineering” корпорацияси бошқаруви аъзоси, бош менежери Ли Хай Тао ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро музокараларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация Ўзбекистон – Хитой алоқалари ривожига ҳизмат қилмоқда. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йил июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий ва

инвестициявий ҳамкорларидан. Икки давлат ўртасида савдо алоқалари борасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган савдо, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини бўлишдан бош тортишни бартараф қилишга оид тўғрисида савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қўлай жўрғоғий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, сармоя жалб этиш бўйича пухта ва ишончли стратегияси кўплав давлатлар катори Хитой ишбилармонларининг ҳам ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 704 фирма ва компания фаолият кўрсатмоқда. Улар нефть-газ, нефть-кимё, кон-металлургия, машинасозлик, савдо, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, электр техникаси каби соҳаларда иш юритаётир. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,7 миллиард АҚШ долларини, жорий йилнинг биринчи чорагида 1,2 миллиард долларни ташкил этди.

Форумда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Хитойнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори ва стратегик шеригидир, – деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фав-

кулотда ва мухтор элчиси Сун Лицзе, – Хитой компаниялари мамлакатимизда турли соҳаларда ўз бизнесини муваффақиятли амалга оширмоқда. Форумда Хитойнинг гидроэнергетика, металлургия, тоғ-кон саноати, қурилиш инфратузилмасига иxtисослашган “CCC”, “CNEEC”, “Power China”, “Sinosteel” каби етакчи компаниялари иштирок этмоқда. Ушбу бизнес-форум икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоиявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Бизнес-форумда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоиявий салоҳияти, нефть-кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика каби соҳалардаги имкониятлари хусусида сўз юритилди. Хитой ишбилармонлари мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кафолатлари, “Навоий”, “Жиззах”, “Кўкөн”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Хазорасп” ва “Ангрен” иқтисодий зоналаридаги катта қўлайлик ва имтиёзлар билан атрофчида таништирилди.

– Корпорациямиз электр таъминоти, телекоммуникация, атроф-муҳит муҳандислиги каби соҳаларда мўлжалланган электр ускуналари ишлаб чиқаради, – деди Уза А мухбирига “China National Cable Engineering” корпорацияси бошқаруви аъзоси, бош менежери Ли Хай Тао. – Анжуман доирасида Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги улкан салоҳияти ҳақида атрофчида маълумотга эга бўлди. Биз Ўзбекистоннинг истиқболли бозорини чуқурроқ ўрганиб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Шу кунги Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат тадбиркорлари ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашди.

С.АЛИЖОНОВА

2017 йил – Халқ билан мулоқот
ва инсон манфаатлари йили

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ КУЧИ

Жорий йилнинг 17 апрель кунига қадар Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига пойтахтимизнинг Олмасор туманидан 17 минг 436 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 15 минг 733 таси кўриб чиқилган, 1 минг 703 мурожаат кўриб чиқилиш жараёнида. Албатта, қатор мурожаатларга ечим топилган, бироқ ҳали тўла ҳал қилинмаган шикоятлар ҳам анча.

Бу жараёнда мурожаатларга самарали ечим топиш борасида муайян ишлар қилинган, аммо баъзи раҳбарлар аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари ва ҳақли талабларига бефарқ муносабатда бўлаётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Туман аҳолисидан келган мурожаатларнинг 7 минг 532 таси бевосита Олмасор тумани ҳокимлиги ваколатига тааллуқли. Аммо туман ҳокимлигида мурожаатлар билан ишлаш тўғрисидаги қўйилган, мурожаатларни тақсимлаш ва назорат қилишга юқори малакали кадрлар жалб қилинмаган, таҳлил ишлари етарлича йўлга қўйилмаган. Оқибатда 416 мурожаат белгиланган ижро муддатидан кўриб чиқилмаган, шундан 126 таси 2016 йилдан бери муаллақ осилиб турибди. Утган даврда кўриб чиқилган мурожаатларнинг 5 минг 430 тасига ўз муддатидан кечикчи жавоб хатли берилган.

Шу йилнинг 18 апрелида Олмасор туманида ташкил этилган сайёр қабулда туманда мурожаатлар билан ишлаш, одамлар қалбига йўл топиш, уларнинг дарду таъбириларини тинглаб, муаммоларига ечим излаш борасидаги ишлар таҳлил этилиб, йўл қўйилган хато-камчиликлар кескин танқид қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ташкил қилган очик мулоқотда суд, ҳуқуқчи муҳофиза қилиш ва назорат органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий идора ва ташкилотлар, банк-моллия муассасалари раҳбарлари, пойтахтимиз ва Олмасор тумани ҳокимлиги раҳбарлари масъул ходимлари фуқаролар ва тадбиркорларнинг мурожаатларини тинглаб, уларни ҳал қилишга киришди.

Очик мулоқотда бир жихат ойдин бўлди: мурожаатлар тўла-тўғис ўз ечимини топиши учун барча мутасадди бир ёқадан бош чиқариб ишлаши шарт. Бунда фуқароларнинг ўзига ҳам қўп нарсаси боғлиқ.

Фарғоналик Мухтасар Махмудова олмасорлик Шухрат Аҳмедов билан факат шаръий никоҳ асосида бирга яшаган. Икки фарзанди бор. Айпичча, эри рўйи қасаллар шифохонасига ётқизилган, оилавий келишмовчилик туфайли у фарзандлари билан ўқдан кўчага қўйилган. Олти ёшли кизи Нилсуфар ҳам мактабгача таълим муассасасидан ҳайдаб юборилган. Аёл эрини руҳий қасаллар шифохонасидан топа олмапти, эрининг уйига ҳам киролмапти.

Сайёр қабулда мутасаддиларга бу аёлни эрининг уйига вақтинча қиритиш, яраштириш борасида барча ишни қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Авалло, шунча тушунтириш-тарғибот ишларидан сўнг ҳам факат шаръий никоҳ асосида турмуш қириш ҳоллари мавжудлиги жуда анчанорли, мана шундай вазиятларда бу бизни жуда қалғал ахлоқга солиб қўяди, – дейди Уза А мухбирига Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фаридат Абдурахмонова. – Ҳозир бу аёл эрининг уйига вақтинча қиритилди, сўнг турмуш ўрғотгани топиб, гаплашиб кўрамиз. Улар қўнунли никоҳдан ўтса, аёл шу асосда эрининг уйига доимий прописка қилинади. Шунда бу масалага ҳуқуқий ечим топилади, бироқ оиладаги маънавий муҳитни соғломлаштириш масаласида ҳали анча иш қилишимиз керак.

Олмасор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Дониёр Султоновнинг айтишича, М.Махмудованинг кизи тез кунда оила-сида қўлай мактабгача таълим муассасасига жойлаштирилади. Бир неча йил аввал Тошкент тиббиёт академияси баландсига Олмасор тумани Шифокорлар-2 қўчасида жойлашган уй академия ходимларига яшаш учун берилган. Бу уйда яшовчилар – Жамшид Алламуродов, Гўлбархор Раҳмонова, Зилолаҳон Эргашева-нинг айтишича, уларга мазкур уй “Қамолат” ЕИХ ва қасаба уюшмасининг бошланғич ташкилотлари тавсияси асосида қўнунли ажратилган. Фуқаролик ишлари бўйича Шахтонтохур туманлараро суди Олмасор тумани ҳокимлигининг давроси асосида уларга мазкур уйни бериш ҳақдаги ҳужжатни бекор қилган.

– Шу йилнинг 31 март кунин суд ижроқилари ўн кўпик боламиз билан бизни кўчага ҳайқлади, – деди Жамшид Алламуродов. – Шундан бери ҳали у, ҳали бу танишларнинг уйида яшаб юрмиш.

Сайёр қабулда Олий суд мутасаддилари бу масала назорат тартибидан тезда қўнунли кўриб чиқилиб, адолатли яқиний қарор қабул қилинишини маълум қилди. Суд яқиний қарорни айтмагунча бу уйда яшовчиларни, айниқса, қасалогои бор оилани уйдан қўйиб чиқариш оддий инсонийлик меъзола-рига ҳам тўғри келмаслиги таъкидланди. Ж.Алламуродов оиласи ва бошқаларнинг Олий суд яқиний, адолатли қарорни қабул қилгунча шу уйда яшаб туриши таъминланди. Уларга ҳондонлар қалитлари қайтарилди.

Олмасорлик Гофур Қаҳоровнинг уйи 2014 йилда бузилган. Унга ҳокимлик қуруқ ўр тақлиф қилган, бироқ Ф.Қаҳоров бунга рози бўлмаган. Очик мулоқотда мутасаддилар бу масалани ўрганиб, фуқарога қўп қаватли уй-жойлардан ҳондон ажратиб бериш масаласини кўриб чиқадиган бўлди.

– Хар ойнинг 5-санасида пенсиямни олаётганим, бироқ апрель ойи учун нафақани бугунча олмадим, – дейди

пенсионер Гўлсара Халилова. – Мазкур сайёр қабулдаги мурожаатимдан сўнг Халқ банкнинг Олмасор тумани Филиали раҳбари ярим соатда пенсия пулларимни тўлатиб берди.

– Ўн ёшли ногирон болам бор, уни даволатиш учун қўлимиз сал қалтилик қилиб турибди, – дейди Зилола Сайбарова. – Ҳозиргина Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова ва бошқа мутасаддилар мен билан суҳбатлашди. Улар ўғлимни даволатиш, дори-дармон масаласида ёрдам берадиган бўлди.

Ҳа, кескин баҳо-мунозара, юзма-юз, очик ва ошқора мулоқотлар асосида қўллаб-муаммоларга ечим топилади. Сайёр қабулда мурожаатларнинг сабаб-оқибатлари ва ечимлари муҳокама қилинди. Қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари ўзларига тегишли ҳар бир масала ечимини ўнча жавобгарлиқни зиммасига олди.

Кейинги пайтда мамлакатимизда муайян ҳудуднинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиши учун жамоавий жавобгарлик тизими йўлга қўйилмоқда: энди шаҳар ё тумандаги барча масала учун ҳоким билан бирга прокуратура, ички ишлар ва солиқ органларининг шу ҳудуддаги биринчи раҳбарлари тенг жавобгар бўлади. Мазкур янги тартиб Олмасор туманида ташкил этилган сайёр қабулда ҳам ўз исботини топди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Чилонзор туманида бўлиб, одамлар билан мулоқот қилиш асосида қандай бўлишини амалда кўрсатиб берди, – дейди Олмасор тумани ҳокими Баҳорид Фойибназаров. – Бугунги сайёр қабулда мурожаатлар билан ишлашда йўл қўйилган хато-камчиликларимизни тўла тушундик. Туман аҳолисидан қайси масалада, бу уй-жой ё моддий ёрдам, судларда ишлар қўрилиши, тадбиркорлик ёки бандлик масаласи бўлади, биз энг қўйиға тушиб, уларга ечим топишимиз керак. Мазкур очик мулоқотда бу борадаги ишларимиз етарли эмаслиги, сустлашқили ва айрим ҳолларда бепарволикка йўл қўйилганимиз очик-ойдин кўришиб қолди. Бу бизга катта сабоқ бўлди. Энди ҳудудимиздаги барча бўлиб раҳбарлари ва ходимларини сафарбар қилиб, туманидаги аҳолисининг ҳақли талабларини ўрганиш, мурожаатлар билан қилиш учун янада катта куч-қайрат билан ишлаш керак. Бошқача ишлашга ҳаққимиз йўқ, бунга ҳаётнинг ўзи йўл қўймайди.

– Бугунги очик мулоқотда ҳудудимизда ҳали-ҳануз жуда кўп муаммолар борлигига амин бўлди, – дейди Олмасор тумани прокурори Саидхон Мирхорова. – Бу, аввало, ўзимга, туман прокуратурасининг ҳар бир ходимига бўлган талабни қайта кўриб чиқишга ундайди. Энди маъсулият ва шахсий жавобгарликни янада оширамиз, ҳар бир масалада прокурорлик назоратини қўнунли қилишимиз. Мурожаатларнинг қўнунли ечим топиши учун барча кўчи сафарбар қиламиз.

– Мурожаатлар билан ишлашда ишчи гуруҳлар тузганимиз, улар бошқа мутасаддилар билан ҳамкорликда муайян ишларни бажармоқда, бироқ бугун амин бўлдики, ҳали туманимизда ўз ечимини топмаган, қўнунли ечимига етиб келинмаган муаммолар кўп, – дейди Олмасор тумани ИИБ бошлиги, подполковник Раҳман Султонқўжаев. – Бунда энг асосий масалалардан бири – ёшларни спорт, санъат, илм-фан тўғрисидаги халб қилиш, тадбиркорликка ўргатиш, шу асосда четдан қириб келётган турли таъсирлар доирасига тушиб қолишининг олдини олиш. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ҳам ҳали анча ишлар қилишимиз керак. Бугунги сайёр қабулда асосан паспорт тизимига оид мурожаатларни кўриб чиқдик. Уларда ҳам бир жихат кўриндики, аҳоли ҳали қўнунчиликдаги янгиликлар, мавжуд тартиб-қоидалардан тўла хабардор эмас. Демак, ҳуқуқий тарғибот ишларини янада қўнунли қилишимиз лозим. Бу борада ўзимизга тегишли ҳуқуқлар олдиқ.

– Асосий вазифамиз – аҳоли даромадларини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш. Бу борада ҳали қўйи бўғинда қилинадиган ишлар қўпиги ҳам бугунги сайёр қабулда ўз исботини топди, – дейди Олмасор тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиги Раҳман Ҳамроқўлов. – Бу муаммолар ечимини янги корхоналар ташкил этиш, аҳолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда яқиндан қўламлилашнинг тақозо этакди. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ўз ишини йўлга қўйган одам оиласини боқди, барча ҳаётини муаммоларини ўзи хал қилади ва давлатда солиқ тўлаб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшади.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек, “Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира – кечаги ўтмишни, аجدодлар ўғитини, миллий меросимизни англатиб турувчи – муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди”.

ИНСОННИ ҚАДРЛАШ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эса юртимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Фармонда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронларини рағбатлантириш мақсадида “GM Uzbekistan” АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган энгил автомобилларни бир марталик навбатсиз шартномавий буюртма бериш орқали харид қилиш ҳамда харид қилинган автомобилларга биринчи ва иккинчи техник хизматни бепул кўрсатиш бўйича муҳлатли имтиёзлар бериш белгиланган.

Бир неча кун аввал Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 300 нафарга яқин Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари бўлган фажрийларга энгил автомобилларни имтиёзли харид қилишга оид сертификатлар тантанали равишда топширилган эди.

Шу кунларда Президент Фармонига асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомобилларни имтиёзли харид қилиш истагини билдирган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тегишли автомобиллар тантанали равишда топширилиб келинмоқда.

Жумладан, куни кеча уруш ва меҳнат фажрийлари – Учтепа тумани, Бешкайрағоч кўчаси, 55/1-уйда истиқомат қилиб келаётган 94 ёшли Ҳикмат ота Ўбайдуллаевга “Дамас”, Шайхонтоҳур тумани, Улугбек кўчаси, 65-уйда истиқомат қилувчи 98 ёшли Камол ота Туроповга “Ласетти”, Яққасарой тумани, Х.Сулаймонов кўчаси, 1а-уйда истиқомат қилувчи 92 ёшли Назар Степанович Назарьянга “Ласетти”, Шайхонтоҳур тумани, М.Қориеқубов 2-тор кўчаси, 3-уйда истиқомат қилувчи 93 ёшли Абдувоҳид ота Тўлагановга “Дамас” русумли энгил автомобиллар тантанали равишда топширилди.



– Оғир жанглар бошимдан ўтди. Урушга бурганимда ўн олти ёшда эдим. Ўсмирлигим урушда ўтди, – деди яққасаройлик уруш фажрийси Назар Назарьян. – 1-Белорусия фронтида десант қисмида бўлганман. Ўша даврдаги даҳшатли кунларни эсласам ҳали ҳам ларзага келаман. Шундай замонларга етказганига шукр дейман. Фарзандларимиз омон бўлсин. Тинчликнинг қадрига етиш, уни авайлаб-асраш керак. Давлатимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз.

Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари бўлган фажрийларга имтиёзли энгил автомобиллар топшириш маросимида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари, “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раҳбарлари, “Камолот” ЁИХ етакчилари ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирок этмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Футбол янгиликлари

ТУРНИНГ МАРКАЗИЙ БАҲСИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 6-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Ушбу турнир марказий баҳси Тошкентда “Локомотив” ва “Насаф” жамоалари ўртасида ўтказилди. Кескин курашларга бой, муросасиз кечган баҳс якунида 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришган тошкентликлар турнир жадвалида 12 очко жамғарган ҳолда биринчи ўринга кўтарилиб олишди. Дарвозаларга голларни “Локомотив”дан М.Бикмаев (2 та), “Насаф”дан – Ш.Муҳиддинов киритишди.

Мазкур турда пойтахтимизнинг бошқа жамоалари – “Бунёдкор”, “Пахтакор”, “Обод” мағлубиятга учраб кимматли очколардан маҳрум бўлишди.

Тошкентда “Олмалик” жамоаси билан куч синашган “Обод” 0:1 ҳисобида меҳмонларга имкониятни бой берган бўлса, Фўздорда “Шўртан” билан куч синашган “Пахтакор” мезбонлардан 0:3 ҳисобида энгилди. Шунингдек, Фарғонада “Нефчи”га 1:2 ҳисобида мағлуб бўлган “Бунёдкор” жамоаси турнир жадвалида 9-ўринга тушиб кетди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: “Машъал” – “Қўқон-1912” – 1:1, “Динамо” – “Бухоро” – 3:1, “Кизилқум” – “Сўғдиёна” – 1:1, “Металлург” – “Навбахор” – 0:0.

МАҲОРАТЛАРИ ОШАДИ

Жорий йилнинг 14-28 октябрь кунлари Хитойда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси совринли ўринлардан бирига эгалик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу боис кам 3-5 май кунлари Тошкентда уюштирилладиган навбатдаги ўқув-йиғини доирасида Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон қизлар терма жамоалари ўртасида

да икки марта назорат-ўртоклик учрашуви бўлиб ўтади. Мазкур баҳслар Осиё чемпионати олдидан қизлар терма жамоамиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўташи аниқ.

Дарвоқе, Хитойда 14-28 октябрь кунлари 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ташкил этиладиган китъа биринчилигида 1-3-

ўринларни эгаллаган терма жамоалар 2018 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлади.

Биз эса футбол мухлислари номидан қизлар терма жамоамизга халқроқ турнирларда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

МАҲАЛЛАМ ЭКОЛОГИЯСИ

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг шаҳар “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан биргаликдаги қўшма иш режаси тасдиқланган бўлиб, унинг ижроси йўлида пойтахтимиз туманларидаги бир қанча маҳаллаларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ҳозирда асосан Чилонзор, Учтепа, Яққасарой туманларида “Аёл, экология ва саломатлик”, “Соғлом болани тарбиялаш – бизнинг умумий вазифамиз” ва “Баркамол авлодни тарбиялашда экологик масъулият” мавзуларида давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Яққасарой туманидаги маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида таъкид этилди. Унда қўмита ходимлари қўмита давлат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрда қабул қилинган “Ўсимлик дўнсини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги қарори талаблари ҳусусида сўз бориб, шахримиз ҳудудида даракларнинг ноқонуний кесилишнинг олдини олиш лозимлиги, яъни уларни кесиб учун ташкилот, муассасалар раҳбарлари, маҳалла ҳудудларидаги, хусусий кўп қаватли йилардаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан туман ҳокимликларига ариза билан мурожаат қилиниши ва тегишли хулосалар, қарорлар асосида дарак-

ларнинг кесилиши учун рухсатномаларни расмийлаштиришнинг йўл-йўриқлари тушунтириб ўтилди. Шунингдек, “Аёл, экология ва саломатлик” мавзусидаги ушбу давра суҳбатиде аёлнинг миллат тарбияси эканлиги, фарзанднинг биринчи навбатда оилада камол топиши, асосан бола тарбиясига кўпроқ оналар масъул бўлиши таъкидланиб, оналарнинг фарзандларига ёшлтигидан атроф-муҳитни ифлослантирмаслик ҳақида насихат қилиши уларнинг, экологик маданиятининг янада ошишида ёрдам кўрсатишига уруғ берилди.

Дарҳақиқат, экология сиз ва биз яшаб турган муҳит. Қўндалик турмушимизда арталмактаб, ишга, эл хизматига отланамиз. Ён-атрофга қарашга вақт тополмаймиз. Бир зум тўхтаб атрофга назар ташлаб қўринг-а, ўлкамизнинг нақадар гўзаллигининг гувоҳи бўласиз. Бу гўзаллиқни асраб қолиш ва янада ривожлантириш бизнинг қўлимизда.

Лайло РҮЗИМОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Мамлакатимизда валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш қонунга хилоф саналади. Аммо айрим фуқаролар била туриб қонунни бузадилар, оқибатда қилмишига яраша жазо оладилар.

Мисол учун, Саид Самандаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) аслида бозорда жалози сотиш ва ўрнатиб бериш билан, бўш пайтлари ноқонуний валюта олди-бердиси билан шуғулланган.

2016 йил октябр ойининг 21-куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судида ҳукм ўқилди. Яъни, Самандаров Саид Искандарович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми, “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбли деб топилди.

Ҳуқуқшунослар яъни билишадик, Жиноят кодексининг 177-моддаси валюта қимматликлари қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсларга нисбатан таъбиқ этилади.

Саид Самандаров 2016 йилнинг 19 май куни пойтахтимиз бозорларидан бирида фуқаро Насиба Пардаевага 8 минг АҚШ долларини “қорабозор” нархида 6 200 сўмдан ҳисоблаган ҳолда қонунга зид равишда жами 49 млн. 600 минг сўмга сотган пайтида қўлга тушди.

Суд мажлисида аён бўлишича, 2016 йил 19 май куни Саидга таниши Нарзулла Шомуродов қўнғирқор қилиб, ёнида қанча АҚШ доллари борлигини сўрайди, у 8 минг АҚШ доллари борлигини айтган. Н. Шомуродов унга ушбу АҚШ долларининг ҳар бирини 6 200 сўмдан баҳолаб, жами 49 млн. сўмга сотишга кўндиради.

Ушбу куни С.Самандаров бозорнинг орқа тарафида жойлашган автомобиллар тўхташ жойига 8 минг АҚШ долларини олиб чиқади, у ерда уни мижози Н.Пардаева кутиб турарди. “Валютафуруш” ҳаридорига 8 минг АҚШ долларини санаб бериб, ундан 49 млн. 600 минг сўм пул олиб, ушбу пуллари таниши орқали бозор ичига олиб кираётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят фоти эди.

Судда С.Самандаров ўз айбига тўлиқ иқроор бўлди. Унга нисбатан қонуний ҳукм ўқилди.

Ботир МИРҲАМИДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Чилонзор тумани бўлими бошлиғи

Валютафурушлик қонун билан тақиқланган бўлиб, унга қатъий жавобгарлик белгиланган. Шундай бўлсада, бу “иш”ни касб қилиб олган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай шахслар икисодиётимизга зарар етказди. Бугунги кунда валюта олди-сотдиси билан шуғулланувчиларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш мақсадида доимий равишда тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, пойтахтимиздаги “Қўйлик” автошоҳ бекати атрофида ўтказилган тадбир давомида Жасур Элмуродов (исм-фамилия ўзгартирилган)нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. У валюта қимматликлари қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш билан шуғулланиб келаётганлиги маълум бўлди. Ҳуқуқбузардан 2000 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, тадбир давомида доимий равишда ноқонуний хориж валютаси савдоси билан шуғулланувчи бошқа шахслар фаолиятига ҳам чек қўйилди.

Суд мажлисида у ўз айбига тўлиқ иқроорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, бундай ҳолат бошқа қайтариқ-маслигини айтиб энгиллик беришини сўради. Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди унга тегишли жазо тайинлади. Ашёвий далил тарикасида олинган пул маблағлари давлат эгалигига ўтказилди. Уларнинг қисмати бошқаларга ҳам албатта сабоқ бўлиши керак.

Зиёбек ХОЛИКБЕРДИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Бектемир туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи

Судланувчи Хайитбоев Ақмал Раҳимович ҳам (исм-шарифлар ўзгартирилган) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекциясидан яқна тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва бандкан ташқари айланмасини қисқартириш борасидаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги “Пул маблағларининг бандкан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор талабларини қўпол равишда бузиб, ўзининг иш фаолияти давомида 2015 йил 3 апрель кундан 2016 йил 15 июль кунга қадар импорт асосида Ўзбекистон Республикасига олиб келинган умумий баҳоси 7. 087.842. 700. сўмлик ёғоч махсулотларини номаълум шахсларга нақд пулларга сотиб, ушбу махсулотлар сотувидан тушган нақд пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банк муассасасига кириш қилмасдан товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп микдордаги қийматда бузган.

А. Хайитбоевга “Ўш, давлат тузилмасидан рўйхатдан ўтган экансан, бўёғига ҳам қонуний ишла-да”, дейдиган одам топилмади. Наҳотки, тадбиркор, нақд пуллари назорат касса машинасидан ўтказмаслик ёки банкка кириш қилмаслик жиноят эканлигини билмаса?

А. Хайитбоев судда ўз айбига тўлиқ иқроор бўлди. Хайитбоев Ақмал Раҳимович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбли деб топилди. Унга нисбатан энг кам олий иш ҳақининг 300 баравари микдориде жарима жазоси тайинланди. А. Хайитбоев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 16 октябрдаги Амнистия қарорининг 2-бандига асосан тайинланган жарима жазосидан озод қилинди.

Ҳа, давлатимиз кечирувчи, яқна тартибдаги тадбиркор А.Хайитбоев илк бор жиноят содир қилгани учун кечирилди. Токи у ушбу қилмишидан ўзи тўғри хулоса чиқариб, қонунни чиқариб ўтиш мумкин эмаслиги, “қўза кунда эмас, кунда кетмиш”ни тушуниб етсин.

Элёр АХМЕДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Чилонзор тумани бўлими суриштирувчиси



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 апрель кунга ҳаво ўзгариб туради, кеча бориб ёмир, жана ёғиш эҳтимоли бор. Қўндузи ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарбаи шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда,

кулайсан ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шомоли эоди. Ҳарорат кечаси – 13-15, қўндузи – 20-22 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумоти

“Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 26 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида Миробод СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 27/12/2016 йил №10-1604/3030-сонли ижро иши асосида: Нукус кўчаси, 22 А-уйда сақланаётган, 2007 й/и/ч, д/р/б 01/782НВА “ISUZU SAZ NPR 66PL”. Бошланғич нархи 76 712 500 сўм.
- 2 та қўриғиш вагонч, ҳар бирига бошланғич нархи 1 500 000 сўмдан;
- Темир контейнер, бошланғич нархи 3 000 000 сўм;
- Пайвандлаш агрегати, бошланғич нархи 3 500 000 сўм;
- Электр компрессор, бошланғич нархи 350 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида берилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан: 1. Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1-уйда сақланаётган 2011 й/и/ч, д/р/б 01 525 ТВА, оқ рангли, қоникорли ҳолатда бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 50 183 668 сўм.

- “Space Arsenal Service” МЧЖда сақланаётган, 2010 й/и/ч, д/р/б 01 450 FBA, қора рангли, “Эника” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 59 280 000 сўм.

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 16/02/2012 йилги ҳукми асосида берилган 6 та темирдан ишланган “Контейнер” 40фт. Ҳар бирининг бошланғич нархи 3 600 000 сўмдан.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида бевосита иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдордан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004959643001 АТИБ “Ипотечка банк” Тинчлик филиали МФО 00580, ИИН 302221689, www.koss.uz. Маълумот учун телефон: +99898 305 11 81

Гувоҳнома 5477

“AUTO GARANT BUSINESS” МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 24 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситаси ҳамда мулклар қўйилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 16.02.2012 йил ҳукмига кўра, ЖСК-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, “AFZUN NUR BUSINESS” МЧЖда вақтинча сақланаётган, жами сони жиҳатидан: 6 (олти дона) рақамлари № 25, 26, 27, 28, 29, 30 бўлган темирдан ишланган, 40фт ли “Контейнер”лар. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 3 600 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 22 май куни соат 16:00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 30% фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси “Auto Garant Business” МЧЖнинг “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион қилиб сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86

Гувоҳнома 004593

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Қўйлик маъиший хизмат касб-хунара коллежи	Сергели тумани, Янги Қўйлик кўчаси, 50-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунара коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажы талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажы талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Ўрта махсус, касб-хунара таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
- Суровнома (справка-объективка);
- Таржimai ҳол;
- Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
- 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- Паспорт (нусхаси);
- Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
- Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Қўйлик кўчаси, 50-уй. Тел: 290-60-07.

Гувоҳнома 5477

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 435

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10118 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ